

## АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

УЎК (УДК, UDC):821.512.133

DOI: 10.36078/1577699385

### ГАЙБУЛЛА САЛОМОВ АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИНИНГ ТАБДИЛЛАРИ ХУСУСИДА



**Озода Тоҳировна ТОЖИБОЕВА**

Доктор PhD, катта ўқитувчи

Тошкент давлат ўзбек тили

ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

[ozoda2677@mail.ru](mailto:ozoda2677@mail.ru)

#### Аннотация

Мазкур мақолада атоқли адабиётшунос олим, мунаққид Гайбулла Саломовнинг Алишер Навоий “Хамса”сини насрий баён қилишга доир кузатишлари ўрганилган. Олимнинг мумтоз шеърятни насрга айлантириш жараёни таржима адабиётига хос мезонлар асосида таҳлил қилиши кўриб чиқилган. “Фарҳод ва Ширин” достонининг насрийлаштириш жараёни, турли йилларда яратилган насрий баёнлар, уларнинг матн моҳиятини очишдаги афзалликлари каби масалаларга эътибор қаратилган. Биринчи марта ўзбек адабиётида “Хамса” достонларини насрийлаштирган Умар Боқий ва “Фарҳод ва Ширин” достонини насрий йўлда баён қилган Гафур Гуломнинг иш услуби қиёсланган. Уларни қиёсий таҳлил қилиш жараёнида билдирилган фикрлар, хулосалар асносида талқин ва насрий баёнларнинг илмий қиммати, аҳамияти каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Олимнинг матнга ёндашуви ва таҳлил принциплари, айти масаланинг характерини белгилаб берувчи фикр-мулоҳазалари ёритилган.

Алишер Навоийнинг “Хамса” достонларини насрийлаштириш анъанаси бир неча асрлик тарихий такомиллашув йўлини босиб ўтди. Бу борада амалга оширилган ишлар вақт ва китобхон синовларидан ўтди, камчиликлар тўлдирилди ва натижада бой тажрибалар ўзлаштирилди. Шу маънода мумтоз матнни тушуниш йўлидаги бу каби таҳлилий кузатишлар тадқиқотларчиларни келгусида янги масалалар сари йўналтиради.

**Калит сўзлар:** талқин; таржима; таржимон; насрий баён; услуб; давр; китобхон.

### ГАЙБУЛЛА САЛОМОВ О ПРОЗАИЧЕСКОМ ПЕРЕЛОЖЕНИИ ПОЭМ АЛИШЕРА НАВОИ

**Озода Тахировна ТАДЖИБОЕВА**

Доктор PhD, старший преподаватель

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

[ozoda2677@mail.ru](mailto:ozoda2677@mail.ru)

### Аннотация

В статье анализируются исследования известного литературоведа, критика Гайбуллы Саломова о переложении в прозе дастанов «Хамсы» Алишера Навои. Гайбулла Саломов уделил особое внимание критериям, характерным для художественного перевода литературных произведений, в частности, ученый исследовал переложения разных лет поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои и проанализировал точность их интерпретации переводчиками. Гайбуллой Саломовым также анализируется художественное мастерство Умара Боки, впервые переложившего стихи «Хамсы», и Гафура Гуляма, переложившего поэму «Фархад и Ширин» в прозе. На основе сравнительного анализа переложений в своем творчестве Гайбулла Саломов показал принципы научного анализа и подходов к интерпретации классических текстов.

Традиция переложения в прозу дастанов «Хамсы» Алишера Навои складывалась на протяжении многих веков. Сложившийся опыт переложений и толкований классических текстов выдержал испытание временем и читателем. В этом смысле подобные аналитические наблюдения на пути понимания классического текста будут направлять исследователей на дальнейшее изучение поэтических текстов классической поэзии.

**Ключевые слова:** интерпретация; перевод; переводчик; прозаическое высказывание; стиль; период; читатель.

### GAIBULLA SALOMOV ON PROSAIC TRANSFER OF THE POEMS BY ALISHER NAVOI

**Ozoda Tahirovna TAJIBAEVA**

Doctor PhD

Senior teacher

Tashkent State University of  
Uzbek Language and Literature

Tashkent, Uzbekistan

[ozoda2677@mail.ru](mailto:ozoda2677@mail.ru)

### Abstract

This paper analyses renowned scholar and critic Gaybulla as-Salom's points concerning prosaic story of Alisher Navoi's "Khamsa". The author considers the process of transformation of classical poetry into prose on the basis of criteria typical for literary translation of literary works.

Special attention is paid to the process of transformation of poetic text into prose on the example of the poem "Farhad and Shirin" by Alisher Navoi, as well as prose retellings created over the years, and their advantages in the inOf the terpretation of the text. In Uzbek literary studies, Gaybull Salomov for the first time compares the artistic skill of Umar Boqi, who recreated the prosaic story "Hamsa" and style of Gafur Gulyam, who created the prose "Farhad and Shirin". By means of their comparative analysis in his conclusions the scientist showed scientific value and importance of prose retellings.

The tradition of prose retelling of prosaic story "Khamsa" by Alisher Navoi has passed a centuries-old historical path. The work done in this direction has withstood the test of time and the reader, the shortcomings have been filled, as a result, a rich experience has been obtained. In this sense, such analytical observations on the way of understanding the classical text will guide researchers to further tasks.

**Key words:** interpretation; translation; translator; prosaic account; style; period; reader.

Мумтоз таржима адабиётидан фарқли равишда замонавий таржима адабиёти бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда маънонинг сақланишига асосий эътибор қаратилади. Муаллифнинг ижодий режаси, адабий-эстетик ғоялари акс этган асар матнининг иккинчи бир тилда қайта тикланиши давомида асарнинг аслий хусусиятлари сақланаётгани текширилади. Бунда ўзининг бор истеъдодини шу ишга сафарбар қилиб, асарни китобхонга тақдим этишга чоғланган таржимоннинг бадиий маҳорати, сўзда ифодалай олиши, англаш олами ҳамда англата олиш қобилияти танқидчи томонидан текширилади ва баҳоланади. Таржимон матн устида иш олиб борганидек, мунаққид уларни учликда – асар – асар муаллифи – таржимон кетма-кетлигида танқидий назардан ўтказди.

Дунёдаги мавжуд илмларнинг негизида ётувчи билиш, тушуниш, англаш, мушоҳада қилиш, тушунтириш каби тушунчалар таржима адабиётининг ҳам замирида ётади. Айнан турфа маданият, турли савияга эга бўлган, ўзга халқнинг дунёқараши сингдирилган бошқа тилдаги ижод намунасини тушуниш ва уни ўз замондошига тушунтириш вазифасини бажариш масъулияти таржимон фаолиятини йўналтириб туради. Таржима адабиётини тадқиқ этиш билан шуғулланган олимларнинг айримлари бу борада муайян натижаларга эришиб, герменевтик жараёнда ҳаракатланувчи талқиний қатламларнинг биридан иккинчисига эркин сузиб ўтгани ва залворли фикрларни айтганига гувоҳ бўлганмиз. Адабиётшуносликнинг асосий объекти бўлган матн ва маъно уйғунлигини ичкаридан микротахлил қилиш жараёни олимларнинг нисбатан яқин доирада фикр билдиришларига асос беради. Худди шундай кенг қамровли олимлардан бири таржимашунос мунаққид, филология фанлари доктори Ғайбулла Саломовдир. Олимни юртимизда таржима адабиётининг назарий асосларини шакллантиришга катта ҳисса қўшган ва соҳада тизимли силсилавий тадқиқотлар яратилишига туртки берган етук мунаққид десак асло муболаға бўлмайди. Ғ. Саломов ўз даврида рус адабиётидан амалга оширилган таржималар устида таҳлилий кузатишлар олиб боргани ва ўзи ҳам таржима билан шуғуллангани барчага маълум.

Матн ва маъно уйғунлиги бирламчи бўлган таржима адабиётининг текшириш методологияси мумтоз шеърини асарларни насрга айлантириш жараёнини текширишда ҳам қўл келади. Шу ўринда Ғ. Саломовни яхшигина классик адабиёт тадқиқотчиси дейишимиз мумкин. Олимнинг “Таржима ташвишлари” китоби таркибига киритилган “Фарҳод ва Ширин”: табдил, таржима, талқин” номли йирик мақоласи таржима адабиёти синчиси сифатида чархланган олимнинг кузатишлари маҳсулидир (7). Мазкур мақолада олим

Ғафур Ғулом ва ундан қарийб бир аср муқаддам яшаб ижод этган Хоразм шоири Умар Боқий томонидан тайёрланган Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони насрий баёнларини ўзаро қиёсий таҳлилга тортади (2; 9;10).

Таржима адабиёти билан насрий баёнларнинг ўзаро яқинлигини таъминлаб турувчи халқ, бу — матн бўлиб, айти яқинлик матн устидаги амалий вазифани бажараётган таржимон ва табдилчиларнинг иш жараёнидаги ўхшашликдан келиб чиқади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам матн устида ишлайди ва бор маҳоратини асар мазмунини китобхонга етказиш мақсадига йўналтиради. Шунинг учун бу борада махсус кузатиш олиб борган тадқиқотчилар “Хамса” дostonларини насрийлаштиришни ҳам даврдан даврга таржима қилиш, бир тил ичида таржима қилиш деб атайдилар. Асрлар оша тилнинг лексик қатламидан чиқиб борган сўзларни замонавийлаштириб боришда уларни муқобилларига алмаштириб бориш таржима адабиётига яқинроқ ҳисобланади. Бу борада насрийлаштиришни таржима адабиётидан бир қарра осонроқ ва айти дамда мураккаброқ ҳам дейиш мумкин.

Олим таҳлилга тортган ҳар икки насрий баён бир-биридан жиддий фарқ қилади ва мутлақо айрича хусусиятга эга бўлган икки даврнинг маҳсули. Олим икки хил давр, икки хил услуб, мутлақо фарқли дунёқарашга эга китобхон учун тайёрланган насрий баёнларни теран нигоҳ билан мушоҳада қилади. Умар Боқийнинг насрий баёни ўзбек адабиётдаги дастлабки насрий баён бўлгани учун адабиётшунослар Фитрат, М. Афзалов, С. Эркинов, Н. Маллаев, А. Эркинов, А. Ҳайитов томонидан махсус ўрганилган. Профессор Н.Маллаев Умар Боқийнинг дostonни насрий баён қилишдаги бадиий маҳорати ҳақида махсус мақола ҳам эълон қилган (6, 135–147). Ғ. Саломовнинг адабиётшунослар томонидан кўп бора таҳлилга тортилган мазкур насрий баён ҳақидаги фикрлари уларнинг такрори эмас, ўзгача ёндашувлар асосида мулоҳаза юритилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, матн ҳалигача кўлёзма ҳолатида, олим асарни кўлёзма манбадан қиёслаган. Таҳлилларда адабиётшунос олим билан таржимашунос мунаққиднинг қарашларидаги фарқлар кўзга ташланиб туради. Жумладан, улар қуйидагиларда кўринади:

- а) аслият ва қайта тикланаётган матнларнинг микронигоҳдан ўтказилиши (мисоли лупадан);
- б) текширишда насрий баёнчига қўйилган талабнинг ортиши;
- в) китобхонга тушунтириш истаги устуворлик қилиши.

Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари XVIII–XIX асрлар давомида насрий баён қилинган, халқ қиссаси шаклида қайта ишланган бўлса, 1939-40-йиллардан бошлаб насрий баён қилина бошланган эди. Натижада илк насрий

асарлар билан биргаликда дostonларга яқинлиги турли даражада бўлган кўплаб талқинлар юзага келади. Олим уларнинг ҳаммасига нисбатан жамловчи маънога эга бўлган табдил атамасини қўллаб, вазифавий хусусиятига кўра ўзлаштирма ва изоҳловчи табдил дея таснифлайди. Ўзлаштирма табдил назмнинг маъносини ҳикоя қилиб беради. Унда сўзлар айнан мувофиқ тушиши шарт эмас. Изоҳловчи табдил эса дostonни мисрама-мисра баён қилишни назарда тутаяди. Шу ўринда олимнинг ўз шогирди, мумтоз таржима синчиси Н. Комилов билан фикрлари яқдил эканлиги кўзга ташланади. Н. Комилов қадимдан қўлланиб келинган атамаларга, эркин, ўзлаштирма, ижодий таржима тушунчаларига “Бу қадимий санъат” китобида таъриф беради (5). Устози сингари аслиятдан кўчиб ўтиш жараёнида ўзгариб бораётган иккиламчи матнни ҳам табдил деб атайдди.

Олим белгилаб берган ўзлаштирма ва изоҳловчи табдил таснифи ҳар икки насрий баённинг характерини ифодалаб беради. Уларни ўрганиш методологияси ҳам шу таснифдан бошланади. Яъни, Умар Боқий насрий баёни аслият матнини тўлиқ ифода этмайди, балки мазмунни баён қилиб беради. Гафур Гулом насрий баёни эса матн мазмунини тўлиқ қамраб олишга қаратилган. Ғ. Саломов ҳар икки насрий баённи ўрганар экан, биринчи галда уларнинг иш услубига эътибор беради. Умар Боқийнинг насрий баёни мустақил асар сифатида тақдим этилиши мумкинлиги, унинг қисқартиришларда кўпроқ китобхонни ўйлагани, енгиллик, қулайлик яратиш йўлидан боргани, “насрий баён давомида Навоий бадииятини, унинг санъати сеҳрини, қандай бўлмасин китобхонга таъсирчанроқ қилиб етказишнинг ўзига хос йўллари излагани” ўз самарасини берганини таъкидлайди (7, 139). Дарҳақиқат, мазкур насрий баён XX аср бошларида тошбосма матбааларда кўп мартаба нашр этилган, халқ орасида жуда оммалашган. Бироқ ўз даврини ўтаб бўлган бундай ўзлаштирма табдилларга бугунги кунда эҳтиёж йўқлигини, аслиятни “асослироқ тушуниш ва унинг ичига чуқурроқ киришга имкон берадиган ҳамда шунга калит бўладиган нусха — изоҳловчи табдилга эҳтиёж бор”лигини уқтиради олим (7, 149). Дарҳақиқат, ўз даврини ўтаб бўлган бундай турли талқинларни оммалаштириш, тарғиб қилишга асло ҳожат йўқ. Умумбашарий ғоялар билан йўғрилган, бадииятнинг юксак намунаси бўлган “Хамса” дostonларининг асл мазмун-моҳиятини халқ орасида тушунтириш, тарғиб қилиш адабиётшунослик фанининг долзарб муаммоларидандир.

Шу ўринда олимнинг насрий баён ҳақидаги фикрларини келтириш ўринли: “Башарти, табдилда баъзи бир кам-кўстлар учраса ҳам аксарият бу

хазрат Навоийнинг даҳоси қаршисидаги бениҳоя оғир масъулият; бир томондан буюк меҳнатнома ҳисобланмиш “Фарҳод ва Ширин” ижодкорининг сеҳрли қалами изларига садоқат; иккинчи томондан уни беш асрдан кейин кўзига суртиб ўқиш иштиёқи билан ёниб турган миллионлаб ҳозирги китобхонларга тушунарли бир тил ва услуб билан баён қилиб беришдек мушкулот; учинчи томондан эса, жилвадор, нафис назмда бунёд этилган дostonни насрга ўтказиб, мисрани — сатр, тасвирни – баён, қофияни – оддий сўз, санъатни – ахборот билан мажбуран алмаштиришдан келиб чиқадиган чорасизлик тақозосидир” (7, 125).

Мазкур фикрларда Алишер Навоий асарларини оммалаштириш вазифасини зиммасига олган насрий баёнчи, давр ва китобхон атрофидаги муаммоли, масъулиятли ҳолатлар аниқ ифода этилган. Олим бир жумланинг ўзида асарнинг буюклиги, насрий баёнчи елкасидаги масъулият юки, чанкок китобхон, давр эҳтиёжи каби кўплаб сабабларни асослаб кўрсатади.

Мақолада шоир Ғафур Ғулом тайёрлаган 1939 йили “Фарҳод ва Ширин”нинг шеърий матн билан бирга берилган насрий баёни ва 1978 йилдаги аслиятдан алоҳида чоп этилган насрий баёнларнинг айрича хусусиятлари бир-бир санаб ўтилган. Яъни, назм билан бақамти берилган матннинг афзаллиги шундаки, китобхон насрий баённи ўқийди ва мутолаа давомида бир саҳифада жойлашган аслиятдан ҳам баҳраманд бўлиб боради. Изоҳталаб сўзларнинг маъносини насрий баёндан уқиб боради. Бироқ ҳажм чекланганлиги боис кенгроқ ёйиб, тушунтириб, маъно қатламларини очиб беришнинг имконияти йўқ.

1978 йили шеърий матндан алоҳида нашр этилган насрий баёнлар ўзлаштира ва изоҳловчи насрий баёнлар оралиғида яратилган. Афзаллиги унда ўтган нашрда кузатилган ҳажм танқислиги учрамайди. Матнда асар замиридаги тағқатламни чуқурроқ очиш, кенгроқ тушунтириш имконияти мавжуд. Адабиётшунослар бу нашрнинг камчилиги сифатида асарнинг китобхонга аслиятсиз мустақил тақдим этилиши деган фикрни билдирадilar.

Олим вазн, қофия, шакл бой берилдими, лоақал мазмун сақланиб қолиши керак, деб таъкидлайди. Айнан ушбу мақоланинг матниқий давоми Н.Комиловнинг “Таржимами ё талқин? (Хамсанинг насрий баёни хусусида)” номли йирик мақоласида давом этган: “Изоҳ ва шарҳнинг кўпайишидан кўрқмаса ҳам бўлади, чунки китобхонга Навоий маъноларини тушуниш муҳим, мақсад дostonларнинг ифода образларини сақлаб қолиб насрийлаштириш экан, бундан бошқа чора йўқ. Ҳозирча хошияда ва матн ичида келтирилган тушунтиришлар етарли эмас”, — дея фикрларини



далиллайдилар (4, 291). Дарҳақиқат, ҳар икки фикрдан хулоса чиқариб, насрий баён кемтикликни тўлдирувчи чорасизлик натижаси экан, бу борада тушунтириш механизмини яхшироқ ҳаракатга келтириш лозим. Шеърятнинг шаклий-ҳиссий хусусиятларига кўз юмилиб, китобхон манфаатлари учун бор гўзаллик бой берилмоқдами, демак, у Навоий ижодининг моҳиятига китобхонни равон элтиши — ўз вазифасини мукамал адо этиши лозим.

Умуман олганда, мазкур мақола Алишер Навоий ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиши билан бирга шоир ижодини англаш йўлидаги талқинларга таҳлилий ёндашилгани, мулоҳазаларнинг аниқ принципларга таянилгани билан ҳам қимматлидир. Олимнинг матн ости маъносини англаш ва уни қайта жонлантира олиш борасидаги кузатувлари, катъий талаблари ҳар қандай таржимон ва насрий баёнчининг ўз фаолиятини тўғри ташкил қила олишига назарий манба, қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг насрий талқинлари борасидаги кузатишлари олимнинг шогирдлари томонидан мантикий давом эттирилган, ушбу соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифалар кенгайиб борган. Ушбу илмий мактаб давомчиси Н. Комиловнинг “Бу қадимий санъат” асари ва Хамсанинг насрий талқинига бағишланган илмий ишлари, А. Ҳайитов, А. Эркиновнинг тадқиқотлари адабиётшуносликдаги муайян бўшлиқларни тўлдиради. Ўзбек адабиётида ўзига хос илмий мактаб яратган, фандаги кичик бир муаммодан катта масалалар сари кўтарилиб борган олимлар фаолиятини, илмий лабораториясини текшириш ҳам муҳимдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. — Тошкент: Фан, 1960. — 854 б.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Насрий баён муаллифи Ғафур Ғулом. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. — 248 б.
3. Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. Фарҳод ва Ширин. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. — 812 б.
4. Комилов Н. Бу қадимий санъат. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. — 192 б.
5. Комилов Н. Таржимами ё талқин? (Хамсанинг насрий баёни хусусида) / Хизр чашмаси. — Тошкент: Маънавият, 2005. — Б. 283–300.
6. Маллаев Н. Фарҳод ва Ширин дostonининг Умар Боқий томонидан ишланган халқ китоби варианты // Адабий мерос, 1973. №3. — Б. 135–147.
7. Саломов Ғ. Фарҳод ва Ширин: табдил, таржима, талқин / Таржима ташвишлари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. 139б.
8. Саломов Ғ, Комилов Н., Салимова З. ва б. Таржимон маҳорати. — Тошкент: Фан, 1979. — 196 б.
9. Умар Боқий. Қиссаи Фарҳод ва Ширин. Тошбосма. 1915. ЎзР ФА ШИ. Инв № 21002, 9563. — 246.

10. Умар Боқий. Қиссаи Фарход ва Ширин. Лайли ва Мажнун. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фонди. Инв №552.

### REFERENCES

1. Alisher Navoi. *Khamsa. Nashrga taierlovchi P.Shamsiev* (The Hamsa, Preparing for publication P. Shamsiev), Tashkent: Science, 1960. 854 p.
2. Alisher Navoi. *Farhod va Shirin. Nasrii baen muallifi Fafur Fulom* (Farhad and Shirin. The author of the prose statement is Gafur Gulom, Tashkent: literature and art, 1975, 248 p.
3. Alisher Navoi. *Hairatul abror. Farhod va Shirin* (Hairatul abror. Farhad and Shirin) Tashkent: Publishing house named after Gafur Gulom-matbaa creative house, 2012, 812 b.
4. Komilov N. *Bu qadimii san’at* (This is an ancient art), Tashkent: Literature and art, 1988, 192 p.
5. Komilov N. *Khizr chashmasi* (Khizr fountain) Tashkent: Spirituality 2005, pp. 283–300.
6. Mallaev N. *Farhod va Shirin dostonining Umar Boqii tomonidan ishlangan khalq kitobi varianti, Adabii meros* (A variation of the folk book of the Farhad and Shirin epic by Omar Bogiy, literary heritage), 1973, No.3., pp.135–147.
7. Salomov F. *Tarzhima tashvishlari* (Translation worries), Tashkent: literature and art, 1983, 139 p.
8. Salomov F., Komilov N., Salimova Z. *Tarzhimon mahorati* (Translator skills), Tashkent: Science, 1979, 196 p.
9. Umar Boqii. *Qissai Farkhod va Shirin, Toshbosma* (The story is Farkhad and Shirin), 1915, UzR FA ShI. Inv № 21002, 9563, 24 p.
10. Umar Boqii. *Qissai Farkhod va Shirin. Laili va Mazhnun, Qulezma*. (The story is Farhad and Shirin. Leyli and Majnun, *Manuscript*) UzR FA ShI Hamid Dynasty Foundation. Inv №552.